

**ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Тангиров Абдиқаҳҳар Эгамович

*китта ўқитувчи, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти,
Ўзбекистон, Тошкент ш.*

Худойбердиев Искандар Боймуродович

*ассистент, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти,
Ўзбекистон, Тошкент ш.*

PROSPECTIVE TASKS AND PROBLEMS OF PEDAGOGICAL SCIENCE

Tangirov Abdiqakhkhar Egamovich

*senior teacher, Tashkent Institute of Textile and Light Industry,
Uzbekistan, Tashkent.*

Xudoyberdiyev Iskandar Boymurodovich

*assistant, Tashkent Institute of Textile and Light Industry,
Uzbekistan, Tashkent.*

АННОТАЦИЯ ; Замонавий педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириши бўйича мақсадли инновацион лойиҳаларни шакллантириши ва амалга ошириши бўйича чора-тадбирлар ишилаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Замонавий ахборот-педагогик технологияларни жорий этиши бўйича экспериментал майдонларни ташкил этиши орқали илмий тадқиқот натижаларини ўз вақтида ўқув жараёнига жорий этиши механизмини жорий этиши учун шарт-шароит яратиш ҳозирда самарали фаолият турига айланди.

ABSTRACT; *Measures for the formation and implementation of targeted innovative projects for the creation and mastering of modern pedagogical technologies are being developed and implemented. Creating conditions for the introduction of the mechanism of timely introduction of scientific research results into the educational process through the organization of experimental areas for the introduction of modern information and pedagogical technologies has now become an effective type of activity.*

Калит сўзлар. Педагогика, ёндашув, жамият, илмий мерос, методика, методология, устувор йўналишилар.

Keywords. Pedagogy, approach, society, scientific heritage, methodology, methodology, priorities.

Кириш. Жамият тараққиётида ҳар бир фанинг ўз ўрни бўлганидек, педагогика фанининг ҳам ўзига хос устувор йўналишилари ва истиқболли долзарб вазифалари муҳим аҳамият касб этади. Педагогика фанининг қандайлиги давр ва бу даврда етакчи бўлган ижтимоий тафаккурнинг тараққиёт даражасига боғлиқ. Айни вақтда, даврнинг қандайлиги ўша замондаги педагогик фикрларнинг мазмуни характеристи ва хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Педагогика фани ва амалиёти айрим етук кишиларнинг тафаккурида содир бўлган янгиланишланишда рўй берган ўзгаришларни кўпчиликнинг одоб ахлоқи ва хулқи факторига айлантирадиган, яъни жамиятнинг аксарият аъзоларида эзгулик ва яхшилик каби ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий фаолиятдир.

Асосий қисм. Педагогика илми ва амалиётидаги мавжуд тажриба ҳамда анъаналардаги асосий янгилик унинг демократик принципларга асосланганлигига ёки инсонпарварлашганида экан, педагогика илми таълимтарбия жараёнига ҳам айни шу жиҳатдан ёндашуви ва шу нуқтайи назардан хуносалар чиқариши аёндир [1,2].

Педагогика фани бугунги кунда маълум бир юксалиш босқичига кўтарилимоқда. Бунинг албатта, объектив сабаблари мавжуд. Тарбия мақсадининг ҳар бир даврда турлича бўлиши ижтимоий тузум, мафқуравий қарашларнинг ўзгариши билан боғлиқ. Ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ривожланиш давомида тарбия мақсадига эришиш жараёнига нисбатан педагогик ёндашувлар ҳам турлича бўлган. Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли – таълим-тарбия ва маънавиятнинг устуворлигини методик таъминлайди. Минг йиллар мобайнида жаҳонда машҳур бўлган буюк мутафаккирларимизнинг инсоншунослик борасидаги илмий мероси маънавиятнинг устуворлигини XXI асрда янада илфор даражага кўтарадиган миллий педагогика таркиб топади. Инсоншунослик фанларининг ўзаро ҳамкорлиги, инсонни бир бутунликда ўрганиш методикаси яратилади. Педагогика шахсни шакллантириш жараёнини илмий-амалий асосини ишлаб чиқиш, жамият маънавий маданиятини таркиб топиш, тарбиялаш қонуниятларини тадқиқ этиш билан инсоншуносликда алоҳида ўрин тутади. Педагогика ўз йўналиши, методологиясини миллий мафкура, ривожланган мамлакатлар илфор тажрибаси асосида такомиллаштирила боради, замонавий педагогик технологиялар вужудга келади. Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жаҳон андозалари даражасига кўтариш, баркамол инсонни шакллантиришнинг назарий ва амалий асосларини яратади [3].

Педагогика фанининг истиқболли вазифалари қўйидагилардан иборат:

- педагогик тадқиқот методологияси ва методикасини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини, инсоншунослик фанлари билан ҳамкорлигини амалга ошириш, шахсни бир бутунликда ўрганиш ва уни шакллантириш методологиясини яратиш;

- педагогик инвестицияни ривожлантириш, илфор педагогик технологияни яратиш, жаҳонда рақобатбардош лойиҳаларни ишлаб чиқиш, экспортни кенгайтириш, педагогик инновацияларни бошқа мамлакатлар тажрибасида синаб кўриш;

- энг қадимги даврлардан бугунги кунгача бўлган педагогика тарихини чуқур ўрганиш, буюк мутафаккирлар меросини ҳозирги давр мезонида таҳлил қилиш, халқ педагогикаси, маънавий қадриятлар асосида қўлланмалар яратиш, миллий педагогикада халқимизнинг тарбия борасидаги тажрибасини сингдириш, ундан фойдаланиш методикасини яратиш;
- педагогика фанлари тизими ва таркибини такомиллаштириш, ижтимоий педагогика соҳасида оила педагогикаси, маънавият-маърифат ишлар педагогикаси алоҳида фан сифатида таркиб топиши;
- педагогика назарияси ва амалиётининг ўзаро боғлиқлиги, педагоглар оммасининг эркин ижодкорлигига шароит яратиш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш тизимини таркиб топтириш;
- педагогик жараён қонуниятларини мукаммал ўрганиш, ҳар бир педагогик жараённинг ўзига хос хусусияти, педагогик жараённинг бир бутунлиги, педагогик технологиянинг таркибий қисмларини, педагогик жараённинг икки томонлама хусусиятини асослаш;
- таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини методик таъминлаш, назарияни амалиёт билан бирлиги моделини яратиш;
- таълимни интенсивлаш ва дифференциялаш технологиясини фанлараро боғлиқлик методологияси ва методикасини яратиш;
- узлуксиз таълим тизимида барча фанларини ўқитиш дидактик асосларини ишлаб чиқиши, маҳсус фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш.
- таълимда маънавиятнинг устуворлиги, ўқитиш ва ўрганиш, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалар уйғунлиги, дидактик ва тарбиявий таъсир уйғунлиги моделини яратиш;
- таълим бериш шакларини такомиллаштириш, синф-дарс тизимини оптимал шароитга мос моделлаштириш, индивидуал таълим жараённининг услугиятини яратиш;
- таълим методларини такомиллаштириш, миллий таълим модели асосида педагогик технологияни яратиш;

- жаҳон илғор тажрибалари асосида масофавий таълим-тарбиянинг мазмунини, методларини, уни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- билимни назорат қилиш ва ўз-ўзини ўзлаштириш даражасини текширишнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш, рейтинг тизимини кенг жорий этиш ва такомиллаштириб бориш;
- тарбия жараёнлари қонуниятлари тизими, мазмуни, принциплари ва методларини такомиллаштириш;
- тарбияга бир бутунликда ва тизимли ёндашиш методикасини яратишдан иборат [4,5].

Ақлий тарбия, миллий дунёқарааш, миллий онг, тафаккур маданиятини шакллантириш: ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия, ҳуқуқий, эстетик, меҳнат, қасб, иқтисодий, экологик, жисмоний тарбия мазмуни ва методларини, педагогик технологиясини такомиллаштириш қўйидагилардан таркиб топган:

- миллий мафкура, миллий ғояни ҳар бир ижтимоий гурӯхга сингдириш, ёшламинг ижтимоий онгини шакллантириш методикасини яратиш, маънавият ишларини амалга ошириш, узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия методикасини ишлаб чиқишдан иборат [6].

Хуроса. Маънавият ва маърифатнинг ўзаро боғлиқлилигини асослаш, маърифатнинг дидактик қоидалари, маънавият ва маърифат ишларининг самарали шакллари ва воситаларини такомиллаштириш каби истиқболли вазифа ва долзарб муаммоларни ҳал этиш, янгиланган педагогик фикрларнинг моҳияти ва унинг устувор йўналишлари таълим тизимида муайян ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Миртурсунов З. “Ўзбек халқ педагогикаси” / Т-1973
2. Ражабов С. “Халқ маорифи ва педагогика фанининг алломалари”/ Т-1990
3. Зуннунов А. “Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар” / Т-1996
4. Амаевна Н., Расулова Ф., Салаева М., Хасанов С. “Умумий педагогика” / Т-2012
5. http://library.navoiy-uni.uz/files/umumiy_pedagogika.pdf
6. https://library.samdukf.uz/files/5d122e4f37a21dc4ca0a5ef3d84aac29_Umu miy%20pedagogika%20..pdf